

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

САЙФУЛЛАЕВА ГУЛҲАЁ ИХТИЁР ҚИЗИ

**МАШИНАСОЗЛИК УЧУН ЮҚОРИ ЭЛЕКТРОФИЗИК ВА
АНТИФРИКЦИОН- МУСТАҲКАМЛИК ХОССАСИГА ЭГА
ТЕРМОРЕАКТИВ ПОЛИМЕР КОМПОЗИЦИЯСИ ВА ПОЛИМЕР
ҚОПЛАМАЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.07- Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимё ва технологияси (техника
фанлари)

05.02.01. - Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. Радиоактив,
камёб ва нодир элементлар технологияси (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сайфуллаева Гулхаё Ихтиёр қизи

Машинасозлик учун юқори электрофизик ва антифрикцион-
мустаҳкамлик хоссасига эга термореактив полимер композицияси ва
полимер қопламалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Сайфуллаева Гулхаё Ихтиёр кизи

Разработка термореактивной полимерной композиции и технологии
получения полимерных покрытий с высокими электрофизическими и
антифрикционными свойствами для машиностроения..... 20

Sayfullaeva Gulkhayo Ikhtiyor kizi

Development of thermosetting polymer composition and technology for
obtaining polymer coatings with high electrophysical and antifriiction-
strength properties for mechanical engineering..... 38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

САЙФУЛЛАЕВА ГУЛҲАЁ ИХТИЁР ҚИЗИ

**МАШИНАСОЗЛИК УЧУН ЮҚОРИ ЭЛЕКТРОФИЗИК ВА
АНТИФРИКЦИОН - МУСТАҲКАМЛИК ХОССАСИГА ЭГА
ТЕРМОРЕАКТИВ ПОЛИМЕР КОМПОЗИЦИЯСИ ВА ПОЛИМЕР
ҚОПЛАМАЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.07- Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимё ва технологияси (техника
фанлари)

05.02.01. - Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. Радиоактив,
камёб ва нодир элементлар технологияси (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/T1897 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислоом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gupft.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Негматов Сайибжан Садикович

техника фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА академиги, Ўзбекистон Республикаси
фан арбоби

Абед Нодира Сойибжоновна

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рисқулов Алимжон Аҳмаджонович

техника фанлари доктори, профессор

Сафаров Тоир Турсунович

техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Ислоом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 22 » апрель соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73, e-mail: fan va taraqqiyot@mail.ru, www.gupft.uz «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2- қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (13-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73

Диссертация автореферати 2021 йил « 10 » апрель куни тарқатилди.
(2021 йил 19 март «7» рақамли реестр баённомаси).

А.В. Умаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раис ўринбосари, т.ф.д., профессор

М.Э. Икрамова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.ф.н.

А.М. Эминов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда полимер материаллар саноатнинг кўплаб соҳаларида кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда. Металл сирт юзаларига юпқа плёнкалар кўринишида суртиладиган полимер материаллари оғир юкларга бардош бериши, иссиқликга чидамлилиги билан бошқа полимерларга нисбатан мустаҳкамроқ ва ўзгаришга камроқ учрайди. Машиналар ва механизмларнинг ишчи органларида юқори электрофизик ва антифрикцион-мустаҳкам хусусиятларга эга бўлган полимер қопламалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон миқёсида машинасозлик учун антифрикцион-мустаҳкам, электрофизик хусусиятларга эга бўлган, арзон ва ноёб бўлмаган материаллар яратиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада композицион полимер материаллардаги компонентларнинг структурасига, электрофизик, антифрикцион-мустаҳкам ва ейилишбардош хоссаларига таъсирини аниқлаш, антифрикцион-мустаҳкам ва ейилишбардош композицион полимер материаллар ва улар асосида қопламаларини ишлаб чиқариш технологиясини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда машинасозлик мақсадлари учун антифрикцион-мустаҳкам, ейилишбардош композицион полимер материаллар ва улар асосида қопламалар олиш, пахтани қайта ишлаш машина ва механизмларнинг ишчи органларининг иш унумдорлигини ошириш билан бир қаторда пахта толасининг табиий хусусиятларини ҳам сақлаб қолиш чора-тадбирлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. «Кимё саноати корхоналарини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва уларнинг фаолиятини барқарорлаштириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, углеводород хомашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар амалга ошириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, термореактив полимер материалларини ишлаб чиқишда қўлланиладиган оргономинерал тўлдирувчиларнинг хусусиятларини аниқлаш, машинасозлик мақсадлари учун импорт ўрнини босувчи арзон юқори электрофизик ва антифрикцион-мустаҳкамлик хоссасига эга бўлган термореактив композицион полимер материаллар ва улар асосидаги қопламаларни ишлаб чиқиш муҳим илмий аҳамият эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» тўғрисидаги қарори

органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида» ги Қарорлари, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармони ва мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Янги композицион полимер материаллар (КПМ) ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқишга Блайт Э.Р., Блур Д., J.Livermore, D.Ilstrup, B.Morrey, B.A. Белый, A.Д. Яковлев, A.B. Струк, C.A. Вольфсон, A.A. Берлин, M.C. Акутин, Ю.С. Липатов, Э.Ф. Олейник, Ф. Мэттьюз, Г.С. Головкин, Hayashi, S. Hulemand, R. Morgen, A. D'Amore, D. Jully, G. Akovali, H.C. Ениколопов, C.H. Журков, B.B. Коршак, M.A. Аскарлов, C.Ш. Рашидова, C.C. Негматов, A.A. Рыскулов, A.C. Ибодуллаев, A.X. Юсупбеков каби таниқли олимлар ўз хиссаларини қўшганлар. Полимер материалларининг ишқаланиши оқибатида юзага келувчи электрофизик жараёнлар ва ҳодисаларининг механизм ва қонуниятларини илмий тадқиқоти билан B.B. Дерягин, Ю.А. Евдокимов, B.A. Сажин, M.T. Балабеков, Ю.И. Василенко, A.H. Губкина, H.G. Дроздов, H.M. Микин, Г.А. Луцейкин, C.K. Постников, A.Ц. Свириденков каби олимлар шуғулланишган. Полимер материалларининг толасимон моддалар билан ўзаро аниқ таъсирлашуви механизмининг ёритишга катта хисса қўшган олимлардан И.В. Крачельский, C.C. Негматов, Г.А. Кукин, Г.И. Мирошниченко, P.Г. Махкамов, Г.А. Тихомиров, Г.Г. Гулямов, H.C. Абед, A.H. Суслин ва бошқалар.

Мавжуд ишларнинг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, машинасозлик мақсадлари учун юқори электрофизик ва антифрикцион-мустаҳкамлик хоссларига эга бўлган композицион полимер материаллар ва улар асосидаги қопламаларни ишлаб чиқиш ҳамда импорт ўрнини босувчи термореактив полимер композицияларни олиш технологиясини яратиш масаласи батафсил ёритилмаган. Бу эса, композицион термореактив полимер материаллар ва улардан тайёрланган деталларнинг антифрикцион-ейилишбардош ва электрофизик хоссаларини ҳамда уларни олишнинг оптимал технологик жараёнларини комплекс ўрганиш жараёнидаги маълум бир мураккабликлар билан боғлиқ. Мазкур диссертация иши ушбу муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат университети «Фан ва тараққиёт» ДУК илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ППИ-12-45 «Термопластик полимерлар ва ноорганик тўлдирувчилар асосидаги антифрикцион ва емирилишга чидамли композицион материалларни олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш ва улар асосида пахтани қайта ишловчи комплекс ишчи органлари учун эҳтиёт қисмларини тайёрлаш», №ППИ-А-12-95 «Толали масса (пахта хомашёси) билан ўзаро таъсирлашувчи кристаллсимон полимерлар асосидаги антифрикцион ва емирилишга чидамли нанокөмпозитларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш», №ПЗ-20170927401 «Металл-полимер толали материаллар билан ўзаро таъсирлашув шароитида ишловчи машинасозлик учун аввалдан ўрнатилган антифрикцион-емирилишга чидамли антистатик-иссиқлик ўтказувчи ҳоссали композит металл-полимер материалларини олиш технологияси ва импорт ўрнини босувчи таркибларини ишлаб чиқиш» мавзуларидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади машинасозлик учун юқори электрофизик ва антифрикцион-мустаҳкамлик хоссасига эга терморреактив полимер композицияси ва полимер қопламалар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахтани қайта ишлаш машиналари механизмларининг ишчи органларида ишлатиш учун композицион терморреактив полимер материалларини ишлаб чиқишда қўлланиладиган органоминарал тўлдирувчиларнинг электрофизик, физик-кимёвий ва механик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

ЭД-16 смоласи асосида ишлаб чиқиладиган композицион терморреактив полимер материаллар ва улар асосидаги қопламаларнинг энг муҳим мустаҳкамлик хоссаларини ўрганиш;

пахтани қайта ишлаш машиналари ва механизмларининг ишчи органлари учун ЭД-16 смоласи асосидаги электр ўтказувчан ва антифрикцион-мустаҳкам композицион терморреактив полимерлар ва улар асосидаги қопламаларни ишлаб чиқиш;

машинасозлик мақсадларида ЭД-16 смоласи асосидаги электр ўтказувчан ва антифрикцион-мустаҳкам композицион терморреактив полимерлар ва улар асосидаги қопламаларни олиш технологиясини ва илмий-услубий тамойилларни ишлаб чиқиш;

ЭД-16 смоласи асосида ишлаб чиқилган электр ўтказувчан ва антифрикцион-мустаҳкам композицион полимерлар ва улар асосидаги қопламаларни олиш бўйича тажриба-технологик регламент ва улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар билан ташкилот стандартини ишлаб чиқиш;

пахта тозалаш саноатининг машина ва механизмлари ишчи органларида қўлланган ЭД-16 смоласи асосида ишлаб чиқилган электр ўтказувчан ва антифрикцион-мустаҳкам композицион полимерлар ва улар асосидаги қопламаларнинг техник-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш ва уни амалга

ошириш бўйича амалий тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида эпоксид смоласи (ЭД-16, ГОСТ 10587-72) ва тўлдирувчилардан, тальк (ГОСТ 879- 52), сажа (ТУ 5-52 АТГ-70), Ангрен каолини (АКТ-10), графит (ГОСТ 5261-85), темир кукуни (ГОСТ 9849-74), полиэтиленполиамин (ПЭПА, ТУ6-02-594-70), дибутилфталат (ДБФ, ГОСТ 8728-66) олинган.

Тадқиқотнинг предмети пахта толасининг полимер қопламалар билан органоминерал тўлдирувчиларнинг электрофизик, физик-кимёвий ва механик хоссаларига боғлиқ ҳолда уларнинг тури, миқдори ва нисбатларини олинган терморреактив полимер композициянинг хоссасига таъсири қонуниятларини аниқлаш ва юқори электрофизик ва антифрикцион-мустваҳкам, ейилишбардош терморреактив композицион полимер материаллар ва улар асосида қопламаларнинг оптимал таркибини ишлаб чиқиш, шунингдек, саноат шароитида уларнинг ишлаш қобилиятини ва самарадорлигини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ИҚ-Фурье спектроскопияси, рентгенфазали таҳлил, композицион терморреактив полимер материалларнинг пахта толаси билан антифрикцион-ейилишбардош, электрланиш ва триботехник хоссалари диски трибометр (O'zDSt 3330:2018), ГОСТ 14236-81 (мустваҳкамлик хоссалари), ЭМВ-100 БР микроскопи (микроструктураси) ёрдамида аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

полимер таркибига киритилган органоминерал ингредиентларнинг тури, миқдори ва нисбатига боғлиқ ҳолда композицион терморреактив эпоксид полимер материалларининг электрофизик ва антифрикцион-мустваҳкамлик хусусиятларининг ўзгариши аниқланган;

пахта хомашёси билан ўзаро таъсирлашиш шароитларида ишлайдиган пахтани қайта ишлаш машина ва механизмларининг ишчи органларида қўллаш учун паст ишқаланиш коэффициентига, юқори электрофизик ва мустваҳкамлик хоссасига эга бўлган композицион электр ўтказувчан ва антифрикцион-мустваҳкам терморреактив эпоксид полимер материалининг оптимал таркиби ишлаб чиқилган;

машинасозлик мақсадларида юқори электр ўтказувчан ва антифрикцион-мустваҳкамлик хусусиятларига эга бўлган янги композицион терморреактив эпоксид полимер материали ва улар асосида қопламалар олишининг усули ишлаб чиқилган;

пахта хомашёси билан ўзаро таъсирлашиш шароитларида ишлайдиган, органоминерал тўлдирувчиларни қўллаб олинган антифрикцион-мустваҳкам композицион эпоксид полимер материаллар ва улар асосидаги қопламалар паст ишқаланиш коэффициентига, юқори электрофизик ва мустваҳкамлик хоссасига эга бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

машинасозлик мақсадлари учун электрўтказувчан ва антифрикцион-мустваҳкам композицион терморреактив полимер материаллар ва улар асосида

қопламалар ишлаб чиқилган;

ЭД-16 смоласи асосида яратилган композицион терморектив эпоксид полимер материаллар ва улар асосидаги қопламалар пахтани қайта ишлаш машина ва механизмларининг ишчи қисмларини ишлаб чиқаришда ва таъмирлашда электр ўтказувчан, антифрикцион-муштаҳкам материал сифатида ишлатилиши асосланган;

машинасозлик мақсадлари учун ЭД-16 смоласи асосида композицион терморектив полимер қопламаларни олиш учун ташкилот стандарти ва тажриба-технологик регламент ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган физик-кимёвий ҳамда физик-механик тадқиқот усуллари билан асосланган. Композит полимер материалларнинг физик-механик ва антифрикцион хоссалари тадқиқотидан олинган натижалар математик-статик усул орқали қайта ишланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахта хомашёсини қайта ишлаш учун машина ва механизмларнинг ишчи органлари самарадорлигини ва ишлаш қобилиятини оширишни таъминловчи, юқори электрофизик ва антифрикцион-муштаҳкам хоссага эга бўлган композицион эпоксид полимер материаллар ва улар асосидаги қопламалар ишлаб чиқилган ҳамда пахта хомашёси билан композицион терморектив эпоксид полимер материалларнинг ишқаланиш коэффиценти, электрофизик ва муштаҳкамлик хоссаларидаги тамайилларни аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган терморектив антифрикцион-муштаҳкам композицион эпоксид полимер материали билан қопланган пахтани қайта ишлаш машина ва механизмлар ишчи органларининг ишлаш қобилиятини яхшилаш ва самарадорлигини ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Машинасозлик учун юқори электрофизик ва антифрикцион- муштаҳкамлик хоссасига эга терморектив полимер композицияси ва полимер қопламалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ЭД-16 смоласи асосидаги электр ўтказувчан ва антифрикцион-муштаҳкам терморектив полимер қоплама Пискент пахта тозалаш заводида амалиётга жорий этилган («Ўзбекпахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 16 мартдаги 01-13/120-сон маълумотномаси). Натижада, пахта толасини қайта ишлашда унумдорликни ошириш ҳамда машина ва механизмларнинг энергия сарфини камайтириш имконини берган;

ишлаб чиқилган композицион полимер қоплама Пискент пахта тозалаш заводида пневматик транспортнинг ишчи органларида антифрикцион-ейилишбардош қоплама сифатида жорий этилган («Тошкент Минтақавий пахта терминали» МЧЖ Пискент пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг 2020 йил 20 декабрдаги 88-1- сон маълумотномаси). Натижада, пахта толасининг механик шикастланиши 0,75 % га, уруғлар шикастланиши 2.5-

3.9% га, энергия сарфининг 10-14% га пасайиши, унумдорликнинг 7 ÷ 14% ошиш, шунингдек, ёнғин чиқиш хавфининг камайиш имкониятини берган;

«Модификацияланган термореактив композицион полимер материаллари ва улар асосидаги қопламалар олиш технологик регламенти»га «Пискент пахтатозалаш заводи» АЖ билан ўртатилган тартибда келишилган (21.01.2020 й.) (ТР 40.4-14952796-10:2020). Натижада, термореактив композицион полимер материаллар асосида антифрикцион-ейилишбардош ва юқори электрофизик хоссаларга эга қопламалар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика илмий-техник ва 4 та халқаро конференцияларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш эълон қилинган. Улардан 12 таси илмий мақолалар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестацион комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган республика журналларида 5 та ва халқаро журналларда 6 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад-вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, ишланмаларнинг ишлаб чиқаришда жорий қилинганлиги, ишнинг ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги, чоп этилган ишлар тўғрисида маълумотлар, диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мавжуд композит полимер материаллари ва улар асосидаги қопламаларнинг замонавий ҳолати ва таҳлили**» номли биринчи бобида ЭД-16 смоласи асосидаги юқори электрофизик ва антифрикцион- мустаҳкам композит полимер материаллар ва қопламаларни ишлаб чиқиш, уларни пахтани қайта ишловчи машина ва механизмлар ишчи органларида қўллаш орқали пахтани қайта ишловчи машина ва механизмларнинг иш қобилияти ва самарадорлигини ошириш муаммосига бағишланган диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотларнинг чуқур таҳлили билан шарҳи келтирилган.

Юқорида таъкидланганидек, толали масса бўлган пахта хом-ашёси билан ўзаро таъсирлашувда ишловчи самарали антифрикцион-мустаҳкам композит полимер материаллар ва қопламаларни ишлаб чиқиш етарлича

ўрганилмаган, бу эса пахта хом-ашёси тузилишининг мураккаблигини кўрсатади. Пахта хом-ашёси билан контактли ўзаро таъсирлашув шароитида ишловчи композит полимер қопламаларнинг юқори электрофизик, антифрикцион- мустаҳкамлик ҳоссаларининг комплекс тадқиқоти олиб борилиши зарурлиги, шунингдек қўйилган вазифаларни бажариш борасида илмий-техник ёндошувлар ва илмий-услубий тамойиллар етарлича ўрганилмаганлиги мазкур диссертация иши мақсадини аниқлаб беради.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектини танлаш ва асослаш методлари**» номли иккинчи бобида машинасозликда агрессив муҳитлар билан ўзаро таъсирда ишлайдиган композицион полимер материалларини ишлаб чиқариш ҳамда саноат чиқиндиларидан термореактив полимерлар ва органоминерал тўлдирувчиларини танлаш ва асослаш келтирилган. Композицион полимер материаллари ва қопламаларининг физик-кимёвий, механик, электр, термофизик ва антифрикцион- мустаҳкам хусусиятларини аниқлашнинг экспериментал-тажрибалар тадқиқотини ўтказиш усуллари шакллантирилган ва асосланган. Шунингдек, олинган натижаларнинг математик-статик қайта ишлаш жараёнлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тўлдирувчиларнинг электрофизик ва антифрикцион хусусиятларини ўрганиш ва машинасозлик учун юқори электрофизик ва антифрикцион-мустаҳкам термореактив полимер композицияси улар асосида самарали қопламалар тайёрлаш**» деб номланган учинчи бобида композицион полимер материаллар ва қопламалар электрофизик ва антифрикцион-мустаҳкамлик ҳоссалари тўлдирувчиларнинг тури ва табиатига боғлиқ равишда полимер-пахта ишқаланувчи жуфтлиги тизимидаги электрлашув жараёнинининг экспериментал тадқиқоти натижалари, шунингдек пахтани қайта ишлаш машина ва механизмларнинг эксплуатацион омиллари акс этган.

Амалга оширилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, полимер қопламалар билан пахта хом-ашёсининг ўзаро таъсирлашуви жараёнлари мураккаб табиатга эга. Бундан ташқари, полимер қопламаларининг электрлашуви камайиши билан уларнинг антифрикцион ҳоссларининг яхшиланишига олиб келади. Ушбу натижалар пахта хом-ашёси билан ўзаро таъсирлашув шароитида ишловчи полимер қопламаларнинг электрўтказувчанлик ва антифрикцион- мустаҳкамлик ҳоссаларини йўналтирган ҳолда ўзгартириш ва назорат қилиш имконини беради.


Машина ва механизм ишчи органларида ишлатадиган композицион материаллар яратишда муваффақиятли полимер боғловчи сифатида ЭД-16 ишлатилиши мумкинлиги аниқланди. Шу мақсадда ундан антифрикцион электр ўтказувчан композицион материаллар яратиш учун асос сифатида танлаб олинди. Шуни ҳам айтиш керакки, бу полимер материал энг яхши антифрикцион ҳоссали ва юқори иссиқлик бардошликга эга.

Маълумки, полимер материалларининг электрофизик, шунингдек антифрикцион- мустаҳкамлик хусусиятларининг яхшиланиши бир вақтнинг ўзида турли омилларнинг таъсир қилиши билан боғлиқ бўлиб, уларнинг энг

муҳими қўшиладиган тўлдирувчининг тури ва таркибига боғлиқ. Табиатда учрайдиган барча минерал моддалар ва саноат чиқиндилари ҳам тўлдирувчи бўлиши мумкин.

Тўлдирувчи моддаларининг киритилиши билан полимер материалининг солиштирма ҳажмий қаршилиги ва солиштирма сирт қаршилиги камаяди, шу билан бирга деярли барча тўлдирувчи моддалари термореактив полимер қопламаларининг энг муҳим хусусиятлари бўлган полимер композит материалларининг ёпишқоқлиги, микроқаттиқлиги ва иссиқликга чидамлилигига сезиларли таъсир кўрсатади.


1-расмларда қурум, мис оксиди, каолин, темир кукуни, темир оксиди ва слюда уни билан тўлдирилган ЭД-16 асосидаги юқори электрофизик ва антифрикцион мустаҳкамлик хусусиятига эга композицион термореактив полимернинг дифференциал термал таҳлили натижалари кўрсатилган.



Оғирлиги бўйича 1-20 масса қисм; 2-40 масса қисм; 3-60 масса қисм

1-расм. Композицион термореактив полимер материалларининг термофизик хоссаларини тадқиқоти қурум (а), темир кукуни (б)

Таҳлил натижаларга кўра, полимер таркибига 15-20 мас.қ. каолин, тальк, графит ва қурум каби тўлдирувчилар киритилиши билан термореактив полимер композициясининг ишқаланиш коэффицентининг камайишига, тўлдирувчи миқдори ортиши билан ошишига олиб келади. Каолин ва тальк билан тўлдирилган композицияларнинг ишқаланиш коэффицентининг пасайиши уларнинг тузилишининг майда дисперслиги билан боғлиқ. Графит ва қурум билан тўлдирилган композицияда иссиқлик ва электр ўтказувчанлик юқори бўлади, сабаб уларда солиштирма сирт қаршилиги паст.



1 - каолин, 2 – тальк, 3 – графит, 4 - курум

2- расм. ЭД-16 смоласи асосидаги терморреактив полимер композициясининг, пахта хомашёси билан таъсири натижасида ишқаланиш коэффициентининг тўлдирувчи таркибига боғлиқлиги ($P = 0,02$ МПа, $v = 2,0$ м/с, $W = 8,2$ %)

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида каолин, курум, графит, тальк каби тўлдирувчиларнинг киритилиши билан уларнинг ишқаланиш коэффициенти камайиши аниқланди.

Композициянинг минимал ишқаланиш коэффициенти курум ва графитнинг 5-10 мас.қ., тальк 10-30 мас.қ., каолин 10-30 мас.қ. оптимал миқдорда қўшилиши билан асосланди.


Маълумки, қопламаларнинг энг муҳим мустаҳкамлик хусусиятлари уларнинг ёпишқоқлиги ва микроқаттиқлигидир. Шунинг учун органоминерал тўлдирувчилар билан тўлдирилган терморреактив композицион полимер материалнинг микроқаттиқлик ва антифрикцион-мустаҳкамлик хоссалари бир қанча тўлдирувчилар билан тадқиқ қилинди.

Бунда, металл оксидлари, слюда уни, мис оксиди, темир оксиди, темир кукуни ва курум каби баъзи тўлдирувчи моддаларнинг таъсири кўриб чиқилди тадқиқот натижалари 3- расмда кўрсатилган.

3-расмдан 30 масса қисм курум, 70 масса қисм каолин, 40 масса қисм мис оксиди солинганда адгезион мустаҳкамлиги энг юқори. 20 масса қисм мис оксиди, 30 масса қисм курум, 40 масса қисм каолин солинганда унинг микроқаттиқлиги ортади.

Бундан кўришиб турибдики, тўлдирувчиларни оптимал миқдорда қўшиш унинг микроқаттиқлик ва адгезион мустаҳкамлик хусусиятларини яхшилайдди.


Тўлдирувчиларнинг оптимал миқдордан кўп миқдорда қўшиш адгезион мустаҳкамлик ва микроқаттиқликнинг пасайишига олиб келади.




1- каолин; 2- мис оксиди; 3- қурум

3-расм. ЭД-16 смоласи асосидаги терморреактив полимер қопламаларнинг адгезион мустаҳкамлиги ва микрокаттиклигининг оргономинерал тўлдирувчиларнинг миқдори ва турига боғлиқлиги

Юқоридагилардан куйидаги хулосага келиш мумкин, полимер таркибига тўлдирувчилар киритилиши билан водород боғлари йўқолиши ва полимер матритцасининг оксидланишига олиб келади. Молекулалар орасидаги молекуляр боғ камайиб, композициянинг молекулалариаро кутбланиши ортади. Терморреактив полимер композициянинг мустаҳкамлиги ортади металл билан адгезион мустаҳкамлиги ортади. 4- расмда ИҚ спектроскопия таҳлили натижаси келтирилган.



4- расм. Графит, тальк, қурум, темир кукуни ва ПЭПА билан тўлдирилган ЭД-16 смоласи асосидаги терморреактив полимер композицияси намуналарининг ИҚ спектроскопия таҳлили натижалари



5- расм. а) термореактив полимер қопламасиз темир юзаси, б) термореактив полимер қопламали темир юзаси

Ўтказилган тадқиқот натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, ЭД-16 смоласи асосидаги полимер қопламанинг электр ўтказувчанлик ва антифрикцион хусусиятларининг таркиби ва хусусиятлари ўрганилди 1- ва 2-жадваллар.

1-жадвалда ЭД-16 смоласи асосидаги ишлаб чиқилган термореактив комопозицион полимер қопламасининг таркиби келтирилган.

1-жадвал

ЭД- 16 смлоаси эпоксид полимер асосидаги юқори электрофизик ва антифрикцион- мустаҳкам термореактив қопламанинг таркибий қисми

Компонентлар	Компонентлар миқдори, мас.қ					
	АЭК-1	АЭК-2	АЭК-3	АЭК-4	АЭК-5	АЭК-6
Эпоксид олигомери ЭД-16	100	100	100	100	100	100
Дифутилфталат	20	20	20	20	20	20
Полиэтилен-полиамин	10	10	10	10	10	10
Темир кукуни				125	150	100
Тальк	10	20	30			
Графит	10	20	30	15	10	20
Каолин	40	30	20	25	20	30

Эслатма: А- антифрикцион; П- пентапласт; Э- эпоксид; К- комопозицион

2-жадвалдан кўриниб турибдики, ЭД-16 смоласи асосидаги ишлаб чиқилган термореактив комопозицион полимер қопламасини пахта хом-ашёсини қайта ишлаш учун ишлайдиган машиналар ва механизмларининг ишчи органларида қўллаш мумкин. Бу қоплама ишчи органларнинг ишлаш шароит талабларига жавоб беради. Сабаб, минимал электр қаршилиқга, юқори электр ўтказувчанликга, паст ишқаланиш коэффицентига, юқори микроқаттиқликга эга.

ЭД- 16 смоласи эпоксид полимер асосидаги юқори электрофизик ва антифрикцион-мустваҳкам терморектив қопламанинг хусусиятлари


Қоплама материали	Ишқаланиш коэффициенти, f	Солиштирма сиртий қаршилиқ ρ_s , Омсм	Микроқаттиқлик, H_m , МПа
АЭК-1	0.56 ÷ 0.28	$1.9 \cdot 10^9$	214
АЭК-2	0.48 ÷ 0.26	$0.98 \cdot 10^9$	196
АЭК-3	0.40 ÷ 0.23	$0.3 \cdot 10^7$	198
АЭК-4	0.60 ÷ 0.26	$1.2 \cdot 10^{11}$	224
АЭК-5	0.58 ÷ 0.28	$6.8 \cdot 10^7$	232
АЭК-6	0.61 ÷ 0.34	$2.2 \cdot 10^{11}$	216

Эслатма: Тажриба $P=0.001-0.05$ босим остида тезликларда олиб борилган, Мпа ва м/с. А-антифрикцион; П- пентапласт; Э-Эпоксид; К- композицион


Диссертациянинг «**Машинасозлик учун юқори электрофизик ва антифрикцион мустваҳкам композицион терморектив эпоксид полимер материаллари олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи бобида пахтани қайта ишлаш машина механизмлари ишчи органлари ва эҳтиёт қисмлари юзасидаги ЭД-16 смоласи асосидаги юқори электрофизик ва антифрикцион-мустваҳкам композит полимер материаллар ва қопламалар олишнинг ишлаб чиқилган илмий-услубий тамойиллари, технологияси, модулли технологик линияси, шунингдек ташкилот стандарти (ТУ) ва ЭД- 16 смоласи асосидаги юқори электрофизик ва антифрикцион-мустваҳкам композит полимер материаллар ишлаб чиқаришнинг технологик регламенти акс эттирилган.

6-расмда полимер-пахта, композит-пахта тизимида ўзаро таъсирлашув шароитида триботехник мақсадли ЭД- 16 смоласи асосидаги юқори электрофизик ва антифрикцион- мустваҳкам терморектив композицион полимер материаллар олиш технологиясининг ишлаб чиқилган илмий-услубий тамойиллари келтирилган.

Композит материаллар олишнинг кўрсатилган илмий-услубий тамойиллари асосида мазкур диссертация ишининг тўртинчи ва бешинчи бобларида атрофлича тасвирланган ЭД-16 смоаси асосидаги юқори электрофизик ва антифрикцион-мустваҳкам композит полимер материаллар ва улар асосида машинасозлик учун терморектив полимер қоплама ишлаб чиқариш учун технология ва технологик линия ишлаб чиқилди. 7- расмда машинасозлик учун юқори электрофизик ва антифрикцион хусусиятга эга бўлган ЭД-16 асосидаги органоминерал ингредиентлар билан тўлдирилган терморектив эпоксид полимер композицияси ишлаб чиқариш технологик линияси келтирилган.



6-расм. ЭД-16 асосидаги органоминарал ингредиентлар билан тўлдирилган термореактив эпоксид полимер композицияси ишлаб чиқариш технологиясининг илмий-услубий тамойиллари



7-расм. Машинасозлик учун юқори электрофизик ва антифрикцион хусусиятга эга бўлган ЭД-16 асосидаги органоминарал ингредиентлар билан тўлдирилган термореактив эпоксид полимер композицияси ишлаб чиқариш технологик линияси

ЭД-16 смоласи асосидаги терморреактив полимер композицияларни олиш учун ишлаб чиқилган технологиялар асосида ташкилот стандарти ва технологик регламенти ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «**Ишлаб чиқилган машинасозлик учун юқори электрофизик ва антифрикцион-мустваҳкам композицион терморреактив эпоксид полимер материалли қопламалар олиш технологияси, амалий ва иқтисодий жиҳатлари**» деб номланган бешинчи бобида ЭД-16 смоласи асосидаги юқори электрофизик ва антифрикцион-мустваҳкам композит полимер материалларининг пахта тозалаш саноати машина ва механизмларининг ишчи органларида фойдаланиладиган ишлаб чиқилган композит полимер материал ва улар асосидаги қопламаларнинг тенд ва ишлаб чиқариш синовлари натижалари ва иқтисодий самарадорлиги берилган.

Полимер қопламаларнинг тенд синовлари пахта хомашёси учун пневмотранспорт тендларида амалга оширилди. Шундай қилиб, тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, юзасида терморреактив композицион полимер қоплама суртилган қувурларнинг ишлаш маҳсулдорлиги пўлат қувурларга нисбатан 30-35 % га, терморреактив материалга нисбатан эса 10-15 % га ошди. Бунда ўз новбатида учкун кам кузатилиб, ёнғин чиқишини хавфи ҳам камайди.

Пахтани қайта ишлаш машина ва механизмларда эқори электрофизик, антифрикцион-мустваҳкам композицион полимер қопламаларни 2020 йилда қўлланишдан олинган умумий иқтисодий самара Пискент пахтани қайта ишлаш заводида йилига 142 млн.сўмни ташкил қилди.

ХУЛОСА

1. Пахта тозалаш саноати машина ва механизмларининг ишчи органларини қоплаш учун органоминерал ингредиентлардан фойдаланилган ҳолда триботехник мақсадларда антифрикцион-мустваҳкам электр ўтказувчан композицион терморреактив эпоксид полимерларнинг самарали таркибини яратиш бўйича илмий асосланган ёндашув ишлаб чиқилди.

2. Органоминерал тўлдирувчиларнинг турига, таркибига ва нисбатига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган композицион терморреактив эпоксид полимер материалларнинг электрофизик хоссаларининг ўзгариши, пахтанинг сифат кўрсаткичларига ва фойдаланиш омилларига қараб триботехник ва мустваҳкамлик қонуниятлари тавсия этилди.

3. Пахта хомашёси билан фрикции таъсирлашувда паст ишқаланиш коэффициентлари ва юқори электр ўтказувчан хоссалари билан таъминловчи органоминерал тўлдирувчилар, ЭД-16 смоласи асосидаги композицион терморреактив полимернинг электрофизик ва антифрикцион-мустваҳкамлик хусусиятларига самарали таъсир этиши кўрсатилди.

4. Пахта тозалаш саноати машина ва механизмларининг ишчи органларида ишлатиш учун органоминерал ингредиентлардан

фойдаланилган ҳолда триботехник мақсадларда ЭД-16 смоласи асосидаги антифрикцион-муштаҳкам, электр ўтказувчан композицион полимерларнинг оптимал таркиби тавсия этилди.

5. Пахта хомашёси билан таъсирлашиб ишловчи триботехник мақсадларда ишловчи антифрикцион-муштаҳкам электр ўтказувчан композицион материалларнинг илмий-услубий тамойиллари ва олиш технологияси ишлаб чиқилди.

6. Технологик жараённинг қуйидаги босқичлари ишлаб чиқилган ва тавсия этилган; полимер композициялари ва металл субстратларини тайёрлаш, композит материалларни металл буюмлар юзасига суртиш, уларга термик ишлов бериш ва олинган қопламанинг сифатини назорат қилиш, антифрикцион-муштаҳкам, электр ўтказувчан материаллар ва улар асосидаги қопламаларни олиш бўйича ташкилот стандарти (техник шартлар) ва тажриба-технологик регламенти тавсия этилди.

7. Яратилган антифрикцион-муштаҳкам ва электр ўтказувчан композицион терморектив эпоксид полимер материалдан пневматик транспортёрнинг ишчи органларида қоплама сифатида фойдаланиш ва ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш пахта толасининг механик шикастланишини 0,75 % га, уруғларнинг шикастланишини 2,5-3,9% га, энергия сарфини 10-14% га камайтиришга, унумдорликни эса 7 ÷ 14% ошишга олиб келиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИТАРНОГО
ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ» ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ имени
ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ «ФАН ВА
ТАРАККИЁТ»
ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ТЕХНИЧЕСКОГО
УНИВЕРСИТЕТА имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

САЙФУЛЛАЕВА ГУЛХАЁ ИХТИЁР КИЗИ

**РАЗРАБОТКА ТЕРМОРЕАКТИВНЫХ ПОЛИМЕРНЫХ
КОМПОЗИЦИЙ И ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ПОКРЫТИЙ
МАШИНОСТРОИТЕЛЬНОГО НАЗНАЧЕНИЯ С ВЫСОКИМИ
ЭЛЕКТРОФИЗИЧЕСКИМИ И АНТИФРИКЦИОННО-
ПРОЧНОСТНЫМИ СВОЙСТВАМИ**

02.00.07 – Химия и технология композиционных, лакокрасочных и резиновых
материалов (технические науки)

05.02.01 – Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия черных,
цветных и редких металлов. Технология радиоактивных, цветных и редких
элементов (технические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2021.1.PhD/Т1897 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Государственном унитарном предприятии «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу www.gupft.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научные руководители:

Негматов Сайибжан Садикович
доктор технических наук, профессор,
академик АН РУз, заслуженный деятель науки
Республики Узбекистан

Абед Нодира Сойибжоновна
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Рискулов Алимжон Ахмаджонович
доктор технических наук, профессор

Сафаров Тоир Турсунович
доктор технических наук

Ведущая организация:

Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится « 22 » апреля 2021 года в 11⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 при ГУП «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan_va_taraqiyot@mail.ru, www.gupft.uz, в здании ГУП «Фан ва тараккиёт», 2 этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараккиёт» (Зарегистрированный номером № 13). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73).

Автореферат диссертации разослан «10» апреля 2021 года
(протокол реестра №7 от 19 марта 2021 г.).

А.В. Умаров
Зам. председателя научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

М.Э. Икрамова
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученой степени, к.х.н.

А.М. Эминов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире полимерные материалы широко применяются во многих отраслях промышленности. Полимерные материалы, наносимые в виде тонких пленок на металлические поверхности, выдерживают большие нагрузки, обеспечивают лучший отвод тепла и в меньшей степени, чем литые полимерные детали подвержены изменению размеров. Применение композиционных полимерных покрытий с высокими электрофизическими и антифрикционно-прочностными свойствами в рабочих органах машин и механизмов имеет особое значение.

Во всем мире ведутся исследовательские работы по разработке долговечных, недефицитных и недорогих материалов машиностроительного назначения с конструктивными, антифрикционными и электрофизическими свойствами. В этом аспекте большое внимание уделяется созданию электрофизических композиционных полимерных покрытий машиностроительного назначения с высокими электрофизическими и антифрикционно-прочностными свойствами и низкой себестоимостью и технологии их получения.

В Республике проводятся мероприятия и достигнуты определенные результаты в области исследования и получения композиционных полимерных материалов и покрытия на их основе машиностроительного назначения, а также наряду с повышением производительности рабочих органов хлопкоперерабатывающих машин и механизмов, особое внимание уделяется сохранению природных свойств хлопкового волокна. О дальнейшем развитии Республики Узбекистан определены важные задачи по «Финансово-экономическому оздоровлению предприятий химической промышленности и стабилизации их деятельности, модернизации действующих производств, глубокой переработке углеводородов и полезных ископаемых, а также расширению номенклатуры химической продукции с высокой добавленной стоимостью»². В этом аспекте разработка импортозамещающих, недорогостоящих термореактивных полимерных композиций машиностроительного назначения с высокими электрофизическими и антифрикционно-прочностными свойствами и технологии их имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами и Постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускорению развития химической промышленности в Республике Узбекистан», постановление от 24 августа 2019 года № ПП-4426 «О дальнейшем повышении ответственности органов государственного и

² ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности»,

хозяйственного управления и органов исполнительной власти на местах за внедрение новой системы локализации производства и ускорение кооперационных связей в отраслях промышленности», № УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства республики Узбекистан 2020- 2030 годы» и другие нормативные документы, принятых в данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. Научные исследования в области разработки и технологии получения термореактивных полимерных композиций определенным вклад внесли: Блайт Э.Р., Блур Д., Livermore J. Ilstrup D. Morrey W., В.А. Белый, А.Д. Яковлев, А.В. Струк, С.А. Вольфсон, А.А. Берлин, М.С. Акутин, Ю.С. Липатов, Э.Ф. Олейник, Ф. Мэттьюз, Г.С. Головкин, Hayashi, S. Hulemand, R. Morgen, A. D'Amore, D. Jully, G. Akovali, Н.С. Ениколопов, С.Н. Журков, В.В. Коршак, М.А. Аскарлов, С.Ш. Рашидова, С.С. Негматов, А.А. Рыскулов, А.С. Ибодуллаев, А.Х.Юсупбеков. Научным исследованием механизма и закономерностей электрических явлений и процессов электризации при трении полимерных материалов занимались Б.В. Дерягин, Ю.А. Евдокимов, Б.А. Сажин, М.Т. Балабеков, Ю.И. Василенко, А.Н. Губкина, Н.Г. Дроздов, Н.М. Микин, Г.А. Луцейкин, С.К. Постников, А.Ц. Свириденко. В раскрытие механизма конкретного взаимодействия полимерных материалов с волокнистой массой большой вклад внесли И.В. Крагельский, С.С. Негматов, Р.Г. Махкамов, Г.А. Кукин, Г.И. Мирошниченко, Г.А. Тихомиров, Г. Гулямов, Н.С. Абед, А.Н. Суслин и многие другие.

Исходя из анализа существующих работ, необходимо отметить, что вопросы создания технологии получения импортозамещающих термореактивных полимерных композиций и получения композиционных полимерных материалов и покрытий машиностроительного назначения с высокими электрофизическими и антифрикционно-прочностными свойствами недостаточно изучены. Так как это связано с определенными сложностями связанными с комплексным изучением электрофизических и антифрикционно-износостойких свойств композиционных термореактивных полимерных материалов и деталей из них и оптимальных технологических процессов их получения. Решению этих проблем и посвящена настоящая диссертационная работа.

